



## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН ЖАЗО ТАЙИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Ахмедов Дилшодбек Хабибуллаевич**

Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби  
Жиноят ҳуқуқи йўналиши тингловчиси akhmedov.80@list.ru

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i02-p1-06>

### ARTICLE INFO

Received: 26<sup>th</sup> January 2023

Accepted: 06<sup>th</sup> February 2023

Online: 07<sup>th</sup> February 2023

### KEY WORDS

Вояга етмаган, айб, жазо, жиноят, жавобгарлик, тайинлаш, суд, қўшимча жазо, давлат, мажбурлов чора.

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятларига доир масалалар таҳлил этилган.*

*Муаллиф мақолада вояга етмаганларга жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларининг содир қилинган жиноий қилмишининг оғирлиги, айб даражаси ва айбдор шахсининг ижтимоий хавфлилигига яраша тайинланишини тақозо этиш юзасидан ҳам ўз фикрларини баён этган.*

Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади ҳамда олиб бориладиган ислохотлардаги асосий ўринни келажагимизнинг пойдевори бўлмиш ёшлар эгаллади ва асосий эътибор уларга қаратилди.

Асосий мақсадимиз ҳисобланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида кенг қамровли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлодни тайёрлаш масаласи бугунги кун тараққиётида муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида ва ҳар томонлама етук, баркамол, соғлом авлодни тарбиялаш бугунги кундаги устувор вазифалардан биридир.

Шунингдек, олиб борилаётган ислохотлар натижасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида” ги<sup>1</sup>, 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ – 406-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги” Қонуни<sup>2</sup> ва бошқа қонунларда ёшларга оид сиёсатни янада жадаллаштириш, улар томонидан жиноятлар содир этилишини олдини олиш, келажак авлодга замин яратиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, 2018 йил 14 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 3723-сон Қарори қабул қилинганлиги ҳам бу борадаги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2010 йил 19 сентябр, 39-сон, 341 модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2016 йил 19 сентябр, 37-сон, 426 модда.



вазифалар янада ривожланаётганлиги, жадаллашаётганлигидан далолатдир. Мазкур Қарорга 1-илова тарзида қабул қилинган Концепцияда кўзланган мақсадлар, амалга ошириладиган вазифалар белгиланган.

Ушбу Концепцияда жинойт содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигининг ишончли кафолатини таъминлаш, жазолар тизими ва уларни тайинлаш механизмларини қайтадан кўриб чиқиш, эскирган ҳамда замонавий талабларга жавоб бермайдиган жазолар шакли ва турларини чиқариб ташлаш, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жинойтларни биринчи маротаба содир этган, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари, хусусан вояга етмаганларга нисбатан янада инсонпарварлигини таъминлаш, шунингдек, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жинойтларни профилактика қилиш ва олдини олиш бўйича чораларни кучайтириш асосий мақсад<sup>3</sup> қилиб олинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги **“2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонидан келиб чиқиб, “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси”<sup>4</sup>**да ҳам вояга етмаганлар иштирокидаги ишларини судда кўриш масалаларига эътибор қаратилган.

Айтиш керакки, бугунги кунда вояга етмаганларнинг жинойтлари динамикаси ошиб бораётганлиги, қандай йўл билан бўлмасин бойлик орттиришдан иборат бўлган ўсмирлар қатлами анча фаоллашиб бормоқда.

Ҳозирги кунда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар томонидан жинойтлар содир этилишининг олдини олиш, бартараф этиш, жиноий жавобгарлигининг масалалари, вояга етмаганларга тайинланаётган жиноий жазоларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги ролини таҳлил қилиш, шунингдек, янги жинойт содир этилишига қарши курашиш муаммолари долзарб аҳамият касб этади. Шунингдек, Жиноят кодексидаги кўпгина қоидаларининг тартибга солиниши, яъни вояга етмаганларга тайинланиши мумкин бўлган жазо тизими ва турлари, уларга нисбатан қўлланадиган жазо турларини, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш масалалари ва уларни такомиллаштириш, жазо қўллашда енгилроқ жазо турлари билан алмаштириш, вояга етмаганлар жавобгарлигини либераллаштириш чораларини таҳлил қилиш ва бунга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва илмий асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, вояга етмаганларга адолатли жазо тайинлаш масаласи бир қанча тортишувларга, баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Чунки, вояга етмаган жинойтчилар ўзининг ёшига кўра муайян ижтимоий-психологик ва бошқа хусусиятларга эга, шунинг учун уларга жазо тайинлашнинг умумий асослари қоидаларини қўллаш қатор махсус нормалар билан тартибга солинади. Акс холда, уларга нисбатан жазо тайинлашнинг умумий асосларига, жазо тури ва меъёрларига айбдорнинг шахсини тавсифловчи

<sup>3</sup> <http://www.uza.uz/oz/documents>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги **“2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони**. <https://lex.uz/>



объектив ва ижтимоий омилларни инobatга олинмаса, вояга етмаганларни жиноят йўлига ўтиб қолишига сабаб бўлади. Мана шу салбий томонга ўзгаришни мумкин қадар ижобийлаштиришга ҳаракат қилишда энг асосийси тайинланадиган жазо чораларини либераллаштириш ва адолатлилик тамойилларига эътиборни қаратган ҳолда жиноят қонунида белгиланган асосларни инobatга олиб вояга етмаганларга жазо тайинлашда эҳтиёткорлик муҳим.

Вояга етмаганларга жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларининг содир қилинган жиноий қилмишининг оғирлиги, айб даражаси ва айбдор шахсининг ижтимоий хавфлилигига яраша тайинланишини тақозо этади. Вояга етмай туриб жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жазо унинг ёши ва бошқа энгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олинган ҳолда тайинланиши керак.

Вояга етмаганларга нисбатан тайинланган жазолар қўйидаги хусусиятлар билан ифодаланади:

1. Вояга етмаганларга нисбатан жиноят қонунида назарда тутилган барча жазо чоралари қўлланмайди;
2. Вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазоси энг оғир жазо сифатида ўзига хос хусусиятларга эга;
3. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятни суд жазони энгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблайди<sup>5</sup>.

Дарҳақиқат, О.Петрованинг фикри, бизнинг Жиноят қонунчилигимизга тўла мос келади. Яъни, бу уч ҳолатнинг биринчисини оладиган бўлсак, ЖКнинг 43-моддасида саккиз турдаги асосий жазо ва битта қўшимча жазолар назарда тутилган бўлса, ЖКнинг 81-моддасида эса, вояга етмаганларга нисбатан фақат бешта асосий жазолар, яъни жарима, аҳлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари суд томонидан тайинланиб, қўшимча жазолар умуман қўлланмаслиги, вояга етмаганларга нисбатан ана шу жазолардан бошқа жазолар тайинланмаслигини назарда тутилган.

Вояга етмаганлар жазо тизимида энг оғир жазо сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳисобланиши, шунингдек, юқорида айтиб ўтганимиздек, ЖКнинг 55-моддаси бандига мувофиқ вояга етмаганнинг жиноят содир этиши энгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланиши кабилар намоён бўлади.

М.Ҳ.Рустамбаевнинг фикрича, “Вояга етмаган шахслар учун тайинланадиган жазо тизими ЖКнинг 43-моддасида кўрсатилган жазо тизимининг ўзига хос хусусиятларига эга:

- давлат мажбурлов чорасининг алоҳида турларидан ташкил топган;
- жазо тизими элементлари ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчисига боғланиб ва тўлдириб келади;
- давлатнинг мажбурлов чоралари рўйхати қатъий бўлиб, кенгайтириб талқин қилиниши мумкин эмас. Шунинг учун вояга етмаганларга нисбатан Жиноят

<sup>5</sup> Петрова О.Н. Назначение уголовного наказания несовершеннолетним. Дисс. канд.юрид.наук. –Краснодар., 2004. С.-102-103.



кодексининг “Махсус” қисми тегишли моддаси санкциясида кўрсатилган бўлсада, лекин 81-моддада кўрсатилмаган жазо чоралари қўлланилмайди;

- белгиланган жазо чоралари енгилдан оғирига қараб жойлаштирилган”<sup>6</sup>.

И.М.Собиров “Жазо тайинлашда суд, айбдор шахсининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси; иштирокчилардан ҳар бирининг жиноят содир қилишдаги иштирокининг даражаси ва хусусияти; айбдорнинг шахсига тегишли бўлган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни аниқлаши керак”<sup>7</sup>.

Вояга етмаганларга жазо тайинлашда, “Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар учун тайинланадиган жазоларнинг тури ёки миқдорини камайтириш, асосан айбдорнинг шахсига тегишли бўлган хусусиятлар ҳисобига амалга оширилади. Вояга етмаган шахсининг жиноий релевант хусусиятлари ва унга таъсир қилувчи бошқа (вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбияси, содир этган жиноятнинг сабаблари, унинг шахсига катта ёшдагилар ва бошқа ҳолатларни таъсири ва ҳ.з) омилларни биринчи ўринга қўйиш керак”<sup>8</sup>.

Кўпчилик ҳуқуқшунослар, жазо тайинлашнинг умумий асосларини жиноят қонунининг санкцияларини қўллаш жараёни билан боғлайдилар. Бу эса ўз навбатида, ЖКнинг 54-моддаси 1-қисмида “...Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди”, деб белгиланган.

Суд ЖК 86-моддада белгиланган хусусиятларни тўлиқ ўрганиб чиққандан сўнггина, тайинланаётган жазо чорасини тегишли айбдор шахс учун тўла мувофиқлигини таъминлаш имконига эга бўлади. А.А.Нуримбетов жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовузнинг объекти билан белгиланса, даражаси муайян жиноятнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқади ва етказилган зарарнинг миқдори ҳамда содир этилган жиноятнинг бошқа кўпгина ҳолатлари билан белгиланади деб ҳисоблайди<sup>9</sup>.

Жазо тайинлашнинг умумий асосларига оид барча қоидалар вояга етмаганлар учун ҳам жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим яъни, (54, 55, 56, 57-моддалар). Суд жазо тайинлаш жараёнида жазо тайинлашнинг умумий асосларида кўрсатилган барча ҳолатларни кетма-кетлик билан риоя қилиши керак. Лекин бундай талаблар механик равишда амалга оширмасдан адолатли жазо тайинлаш мақсадини кўзлаши керак<sup>10</sup>.

Жиноятнинг хусусияти жиноятнинг объекти, айбнинг шакли, жиноий оқибатларнинг хусусияти, тажовузнинг усули, жиноятнинг мотиви ва мақсадларининг мазмунига боғлиқ бўлса, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси жиноий ниятнинг амалга оширганлик даражаси, зарар миқдори ва келиб чиққан

<sup>6</sup> М.Х.Рустамбаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. Т. «Адолат»- 2016 й. Б-556; Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. 1-том. Умумий қисм – Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish» МЧЖ., 2021. – 491-492 бет.

<sup>7</sup> Собиров И.М. Особенности назначения наказания несовершеннолетним. Дисс. канд. юрид. наук. Т-1992. Б-107.

<sup>8</sup> Холикулов У.Ш. Вояга етмаганларга жазо тайинлашнинг умумий асослари. Дисс. юрид. ф.н –Т.: ТДЮИ. 2006. Б- 24.

<sup>9</sup> Нуримбетов А.А. Проблемы назначения наказания по уголовному законодательству Республики Казахстан. Дисс. канд. юрид. наук. Алматы – 2008. С-31.

<sup>10</sup> Холикулов У.Ш. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича вояга етмаганларга жазо тайинлаш муаммолари. Дисс. ю.ф.н. – Т.: ТДЮИ. 2006. –Б-16.



оқибатларнинг оғирлиги, жиноят содир этишда судланувчининг ролига боғлиқ бўлади.

Суд вояга етмаганларга жазо тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси доирасида жазо тайинлайди. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси бирламчи, жазо эса иккиламчидир.

Жазо тайинлашда суд, деб ёзади И.М.Собиров, айбдор шахсининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси; иштирокчилардан ҳар бирининг жиноят содир қилишдаги иштирокининг даражаси ва хусусияти; айбдорнинг шахсига тегишли бўлган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланиши керак<sup>11</sup>. Вояга етмаган шахснинг хусусиятларига уни қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятларидан ажратган ҳолда ёндашиш мумкин эмас.

Дарҳақиқат, ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси айнан вояга етмаганлик доирасида инobatга олиниши керак. ЖКнинг 86-моддасида, суд вояга етмаганларга жазо тайинлаш жумладан, (катта ёшдагилар кичик ёшдагилардан жиноят содир қилиш мақсадида фойдаланиши).

Ва бу умумий ҳамда аҳамиятли талабларни ўрнатувчи махсус нормадир. Вояга етмаганларнинг дунёқараши хали тўлиқ шаклланиб бўлмаганлиги билан ажралиб туради. У ўзи содир этган ноқонуний қилмишнинг моҳиятини кўп ҳолларда тўлиқ англаб етмайди. Бундан ташқари, ёшга боғлиқ бўлган қизиққонлик, ўзини тута олмаслик каби бошқа хусусиятлар туфайли ҳам ўспирин ноқонуний ҳаракатга катта ёшли инсонга нисбатан тезроқ қўл уриши мумкин<sup>12</sup>.

Вояга етмаганнинг ривожланганлик масаласини инobatга олиш айбланувчига тайинланаётган жазони максимал даражада индивидуаллаштириш имкониятини яратади. Шахснинг ривожланганлик даражаси вояга етмаган шахснинг ёшига нисбатан нормал ҳолатда ёки бундай ҳолатда бўлмаслиги мумкин. Яъни, шахснинг ривожланганлиги ёшга нисбатан (ўз тенгқурларига нисбатан ақлий жиҳатдан анча олдин) ва қолақ (ўз ёшига нисбатан ақлий ривожланмаганлиги) бўлиши мумкин.

Агар вояга етмаган шахс ўз ёшига нисбатан ақлий ривожланган бўлмаса, Жиноят кодексининг 87-моддаси, 3-қисми бўйича суд унга нисбатан жазонинг ўрнига мажбурлов чорасини қўллашнинг мақсадга мувофиқлигилгини кўриши лозим. Шунингдек, вояга етмаганнинг ақли норасолигидан далолат берувчи маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, вояга етмаганнинг ақлий ривожланишдан ортда қолганлиги ёки ортда қолмагани ҳақидаги масалага аниқлик киритиш учун комплекс суд-психология экспертизаси тайинланиши мумкин.

Мазкур масалаларнинг ечими экспертлар комиссияси ихтиёрига ҳавола этилиши ҳам мумкин. Бунда вояга етмаганнинг ақлий ривожланиши, унинг ёшидан нақадар

<sup>11</sup>Собиров И.М. Особенности назначения наказания несовершеннолетним. Диссер. на соискание ученом степени канд. юр. наук. – Т.1992. – С-107.

<sup>12</sup>М.Х.Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. “Адолат”. – Т. 2016. Б-562. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. 1-том. Умумий қисм – Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish» МЧЖ., 2021. – 493 бет.



ортада қолганлиги, ақли заифлиги қай даражада эканлиги ҳақидаги саволларга жавоб бериш шарт қилиб қўйилиши керак<sup>13</sup>.

Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда ЖКнинг 54 ва 86-моддаларига қатъий амал қилиши ва “ҳукмда унга (вояга етмаганга) жазонинг муайян тури ва миқдорини тайинлашга таъсир қилган ва ЖК 86-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳолатларни кўрсатиб ўтиб, уларни бартараф қилиш тўғрисида хусусий ажрим чиқарса мақсадга мувофиқ бўларди. Бу ҳол, ўз навбатида, вояга етмаганлар жиноятчилиги билан курашишда бошқача жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ишлаб чиқишга ундайди.

Жазонинг енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига эътибор қаратиш бу айбдорга тайинланаётган жазонинг тарбиялов ва жазолов функцияларининг тўғри нисбатини танлашга ёрдам беради. Шу билан бирга ахлоқан тузатиш ва бошқа жиноятлар содир этилишини олдини олиш функциялари амалга ошади.

Айтишимиз лозимки, суд томонидан вояга етмаганга жазо тайинлаш чоғида, эътиборга олиниши керак бўлган ҳолатлардан бири, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, вояга етмаганлар томонидан жиноятлар катта ёшдагиларга тақлид қилиш натижасида, улардан кўрқиб ёки илгари судланганларга тенглашишга ҳаракат қилиб, ўз тенгдошлари орасида муайян “обрўга” эга бўлишни исташ кабилар орқали содир этилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтишимиз лозимки, “...вояга етмаганлар онгига турли кинолар ёки айрим зўрлик ишлатиш билан боғлиқ ҳолатлар, мулкни ўғирлаш кабилар салбий таъсир қилади ҳамда “бундай ҳаракатлар қилганлиги ва кўрганлиги унинг онгида сақланиб қолади ва анча ёшга етганида у ахлоққа зид ҳаракат содир қилишини рағбатлантиради ҳам”<sup>14</sup>, дейди А.Қодиров.

Шу нуқтаи назардан олиб қараладиган бўлсак, оғирлаштирувчи ҳолатларда жиноят содир этиш вояга етмаганлар томонидан содир этилганда, улар синчковлик билан таҳлил қилиниши керак ва жазо тайинлаш вақтида асосан, жазонинг тарбия элементларини кучайтириш керак бўлади, деб ўйлаймиз. Шунингдек, суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда психолог ва психиатрларни фаолроқ жалб қилсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Жазони ижро этиш муассасаларида ҳам психологлар кенг жалб қилиниши орқали вояга етмаганларнинг такрор жиноят содир этишларига йўл қўймаслик чоралари кўришлари лозим.

Жазо, жиноятчи томонидан ўз қилмишининг зарурий ва муқаррар натижаси сифатида англаниши керак. Тайинланган жазонинг оғирлиги жиноятчи томонидан содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига мувофиқ бўлиши керак.

Ҳаддан зиёд енгил жазо жиноятчида масъулиятсизликни келтириб чиқариши мумкин. Яъни янги жиноятлар содир этилишининг олдини ола олмайди, натижада, жазонинг жиноятларни олдини олиш каби мақсадига эришиб бўлмайди. Ҳаддан зиёд оғир жазо эса алам ва адолатсизлик ҳиссини уйғотиб, судга ва қонунга ишончсизликни

<sup>13</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий суд пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 21-сонли қарори, 1-5-б- қисмлар, 6-банди.

<sup>14</sup> А.О.Қодиров. “Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар”. Дисс.ю.ф.н. –Т. 1997. – Б.85.



келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида маҳқумни тарбияланишига, яъни жазонинг мақсадига эришишига тўсқинлик қилади<sup>15</sup>.

Бир сўз билан айтганда, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш, шахсга жисмоний азоб бериш ёки руҳий таъсир ўтказишни мақсад қилмайди.

Шунингдек, судлар ана шу хил имтиёзли нормаларни, шубҳасиз, кенг қўламда қўллашлари талаб қилинади. Уларни қўлламаслик сабаблари ҳамма вақт ҳукмда батафсил кўрсатилган бўлиши лозим.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш қонунда енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисобланганлиги ва вояга етмаганларнинг жавобгарлиги алоҳида бўлимда берилганлиги туфайли, вояга етмаганлар ишлари юзасидан жавобгарликни белгиловчи қонунларни амалда қўлланиши юзасидан суд амалиёти ҳақидаги Пленум қарори орқали тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, ЖКга вояга етмаганларга жазо тайинлашнинг мақсадларини назарда тутувчи алоҳида модда критиш лозим.

Шу билан бирга, вояга етмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлаш амалиётида бир қатор муаммоларни кўришимиз мумкин. Бунда вояга етмаган шахс асосан коллеж, лицей ёки мактаб ўқувчиси бўлади. Унга нисбатан аҳлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинласа 9 ва 11 йиллик мажбурий таълим принципига зид келиши мумкин.

Шу ўринда таклиф сифатида айтишимиз мумкинки, вояга етмаган шахсларга аҳлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаётганда унинг ўқиш жойига мажбурий тартибда бириктириб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди ёки унга бошқача бир мажбуриятларни юклаш лозим. Масалан, маълум вақтда дарсда бўлиш, маълум вақтда кутубхонада бўлиш кабилар.

Шулардан келиб чиқиб, Жиноят кодекси 83-моддаси биринчи қисми қуйидаги: “Аҳлоқ тузатиш ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан ўз иш жойида ўташ, айбдор ҳеч қаерда ишламаса, ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ўташ тариқасида бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади. **Аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқиётган ўқувчиларга нисбатан тайинланиши мумкин эмас**”, деган тахрирда берилганда мақсадга мувофиқ бўларди.

<sup>15</sup>Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. Учебник/Под ред. Проф. Б.В.Здрамыслова-Изд.2-е, перераб. И доп. –М.: Юристъ, 2007. –С.367.